

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди
№ MP 8-71
2016 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлигининг
2016 йил 11 ой 11 даги
137 сонли буйруғи билан
тасдиқланган



“Дирижёрлик”

(“Хор дирижёрлиги”, “Опера-симфония дирижёрлиги”, “Харбий оркестр дирижёрлиги”, “Халқ чоғуларди оркестр дирижёрлиги”)

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини
кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

Тошкент – 2016

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услувий бирчиликлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2016 йил 26.09.2016 даги 2 - сонли баёъномаси билан маъқуллашган.

Тузувчилар: “Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари” модули: с.ф.д., проф., И.Эргашев, ю.ф.н. доц., В.Топилдиев.
“Илгор таълим технологиялари ва педагогик маъорини” модули: п.ф.д., проф., Н.А.Муслимов, п.ф.ф., М.Т.Мирсолиева, п.ф.н., доц., М.Усманбаева, А.Нисонов.
“Таълим жараёнида ахборот-коммуникатив технологияларини қўллаш” модули: ф.м.ф.н. доц., Х.Холмедов, ф.м.ф.н. доц., Д.Иргашева, юр.ф.н. доц., В.Ҳамидов.
“Амалий хоржий тил” модули: Ўзбекистондан Британия Кенгашининг етакчи мутахассислари, юр.ф.н., У.Гиясова.
“Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модули: с.ф.д., проф., С.Жураев, ф.ф.д., проф. Р.Самаров, п.ф.н., Х.М.Алимов.

Махсус фанлар бўйича: Дилан Корлей (Dylan Corley)
Ишчи гуруҳ: Ф.Р.Абдурахимова - Ўзбекистон давлат консерваторияси “Халқ чолгуларида ижрочилик” кафедраси профессори, проф. К.Т.Азимов - Ўзбекистон давлат консерваторияси “Халқ чолгуларида ижрочилик” кафедраси профессори

Тақризчилар: Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Вокал” кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди С.С.Маликова, Ўзбекистон давлат консерваторияси “Хор дирижёрлиги” кафедраси профессори Н.С.Шарафиева

Ўқув дастури Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Кенгашининг қарори билан тасдиққа тавсия қилинган (2016 йил _____ даги _____ -сонли баёънома)

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмунини олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хоржий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологиялар, тармақнинг ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутлади.

Дастур доирасида берилган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмунини, сифатини ва уларнинг тайёргарлигига қўйилган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илгор хоржий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш хисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйилган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади.

I. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривож ва таълим-тарбия масалалари.
- 1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

- 2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.
- 2.2. Дирижёрлик фанини ўқитиш методикаси.

III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаш

- 3.1. Электрон педагогика ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.
- 3.2. Дирижёрлик фанини ўқитишда компьютер технологияларидан фойдаланиш.

IV. Амалий хорижий тил

- 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг илғор усуллари.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

- 5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш технологиялари.
- 5.2. Дирижёрликда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш технологиялари.

VI. Махсус фаилар

- 6.1. Арт менеджмент.
- 6.2. Жамоалар билан ишлашда амалий кўникмаларни шакллантириш.
- 6.3. Дирижёрлик санъатининг замонавий тенденциялари.

VII. Педагогик амалиёт

VIII. Малакавий аттестация

Қурснинг максали ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш қурсининг максали педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига камраб олади.

Қурснинг вазифаларига қуйидагилар кирди:

“Дирижёрлик (турлари бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуksиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

-замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- махсус фаилар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

-“Дирижёрлик (турлари бўйича)” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Қурс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талабалар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёрларлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фаилар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетентияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- дирижёрлик фаиларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни;
- дирижёрликда эришилган янги илмий натижалар, яратилган илмий адабиётларни;
- республика ва хорижда дирижёрлик йўналиши бўйича олиб борилётган илмий тадқиқотлар ва уларнинг натижаларини;
- опера – симфоник, халқ чолғулари, дамлаи ва эстрада оркестрлари санъатининг тарихий боскичларини;
- XX-XXI аср чет эл композиторларининг оркестр мусикасини;
- Ўзбекистонда оркестр ижрочилигининг замонавий боскичдаги ҳолатини;
- оркестр санъатини оммавийлаштиришга қаратилган максал ва вазифаларни;
- хор санъатининг тарихий боскичларини;
- XX-XXI аср чет эл композиторларининг хор мусикасини;

- замонавий хор санъатида ижрочлик ва интерпретацияни;
- замонавий хор ижроччилигида турли қарашларнинг ранг-баранглиги;
- Ўзбекистонда хор ижроччилигининг замонавий босқичдаги ҳолатини;
- хор санъатини оммавийлаштиришга қаратилган мақсад ва вазифаларни билиши лозим.

Тингловчи:

- оркестр ижроччилигида турли мусикий йўналишлар ҳақидаги билимларни чуқурроқ ўзлаштириш;
- турли жанрдаги оркестр асарларини мусикий тили, шаклларини таҳлил қила олиш;
- дирижёрликнинг мануал техникаси жиҳатларини таҳлил қила билиш;
- XX – XXI аср миллий оркестр санъати мактаблари ва уларнинг ижроччилик вазифалари.
- турли мусикий услублар ҳақидаги билимларини чуқурроқ ўзлаштириш;
- турли услублардаги вокал-хор асарларини мусикий тили, шаклларини матн нуқтаи назарда (вербальном аспект) таҳлил қила олиш;
- замонавий хор мусикасини ижроччилик вазифаларини тушуниш қўникмаларига эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- замонавий дирижёрлик санъатининг назарий концепцияси ва ғоялари билан танишиш;
- концерт дастурини тайёрлашда дирижёрлик, режиссёрлик ва ўқитувчилик маҳоратини уйғунлаштириш;
- асарларни ижроси мисолида танқил оркестр дирижёрларнинг ижроччилик маҳорати билан танишиш.
- дирижёрлик таълимида аудио ва видео ёзувларини яратиш ва қўллаш;
- замонавий техник воситаларни дирижёрликда қўллаш;
- дирижёрликдаги модернизация ва ўзгаришларни педагогик фаолиятта татбиқ этиш;
- дирижёрликдаги инновацияларни илмий-тадқиқот фаолиятига ва ўқув жараёнига тadbик этиш;
- дирижёрликда танқил хорижий мутахассисларнинг асарлари билан танишиш, таҳлил эта олиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- турли услублардаги хор асарларини мусикий драматургик ва ижроччилик жиҳатларини таҳлил қилиш;
- мусика таълимида дирижёрлик қобилияти назариясини такомиллаштириш;
- дирижёрлик таълимида оркестр (хор) билан ишлаш жараёнларини бошқариш;

- дирижёрлик таълимида оркестр (хор) ижроччилик хусусиятларини ўзлаштириш жараёнларини назорат қилиш **компетенциясига** эга бўлиши лозим.

Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони 3-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати бериллади.

“Дирижёрлик” (турлари бўйича) йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни

I. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари

I.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалалари.

Инсон онг ва тафаккурининг янгилалиши жамият ривожланишининг муҳим омил сифатида. Глобаллашув ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар тенденцияси ва истикболлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард максадимиз”, “Юксак маънавият – енгилмас куч, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”, “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида”, “Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий максадимиз”, “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш- мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир”, “Она юртимиз бахти икболи ва буюк келажакга йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” ва бошқа асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалаларининг ёритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузаларида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларнинг белгиланиши.

I.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқиш ва амалга қирғиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сон Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сон қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очик лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ва бошқа метъёрий ҳужжатлар.

II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.

Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий

асослари, инновацион жараёнларнинг кечиш босқичлари. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимни ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар технологиялари, ассисмент методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологик, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Нутқ техникаси ва маданияти. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гурӯҳни ентимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали хал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик - педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентлиқни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларининг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари. Таълимни ахборотлаштириш шароитида педагог кадрлар креатив имкониятларини баҳолаш мезони.

2.2. Дирижёрлик фанини ўқитиш методикаси

Дирижёрлик йўналиши бўйича амалий ва индивидуал машғулотларни лойиҳалаштириш, ташкил этиш. Дирижёрлик соҳасида қўлланиладиган инновацион педагогик технологиялар. “Музыка ва ҳаракат дарси”, “Бизнинг оркестр” технологияси, ритмни ҳис қилиш, эшитиш кўникмаларини ривожлантирувчи технологиялар. Дирижёрлик соҳасининг келиб чиқиш тарихи ва йўналишларини ўрганишга ёрдам берувчи интерфаол методлар: блиц-сўров, Т-схема, кластер, график органиайзерлар.

Таълимни модернизациялаш шароитида дирижёрлик соҳаси бўйича педагог кадрлар креатив имкониятларини баҳолаш мезони. Бўлажак дирижёрларни тайёрлашда педагогик техника имкониятларидан

фойдаланиш. Дирижёрликда новербал таъсир воситалари: мимика, пантомимика, жестикуляция.

III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойihalаш.

Педагогик жараёнда ахборот-коммуникация ва интерактив технологияларидан фойдаланиш. Таълимий Интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш. Интернет тармоғининг асосий хизматлари. Ziyonet.uz ва бошқа таълим порталлари ресурслари билан ишлаш. Интернет тармоғида педагогларнинг, талабаларнинг электрон мулоқот мухитида жамoa бўлиб ишлаш шакллари. Блог, форум ва тематик чатларни ташкил этиш усуллари. Педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги.

Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини ташкил этиш. Электрон портфолио тушунчаси, таркиби, мазмуни ва имкониятлари. Ахборот технологиялари воситасида педагогнинг электрон портфолиосини шакллантириш. Электрон ахборот-таълим мухитида педагогик жараёни лойihalаштириш. Moodle дастури асосида ўқув ресурсларини яратиш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш, амалий дастурий воситалар ёрдамида электрон дарсликлар, тренажерлар, виртуал лаборатория машгулотларини яратиш усуллари. Офис дастуриларида электрон ўқув-методик материалларини яратиш усуллари (Microsoft Word, Excel, Power Point ва б.). Web 2.0/3.0 технологиялари ва уларнинг ёрдамида электрон дидактик материалларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнида қўллаш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалар химоясини таъминлаш. Аутентификациялаш ёрдамида химоялаш. Химоялаш воситалари.

3.2 Дирижёрлик фанини ўқитишда компьютер технологияларидан фойдаланиш.

Дирижерлик ўқиладиган фанларни (мутахассислик фанлари) модул тизимига жойлаштириш технологиялари. Аудио ва видео файллар билан ишлаш технологиялари (ранглар билан ишлаш). Power Point -13 версиясидаги анимацион иловалар билан ишлаш технологиялари. Дирижернинг мануал техникасини ифодалашда мультимедиа тизимларидан фойдаланиш. Дирижернинг виртуал пульти хақида тушунчалар.

IV. Амалий хорижий тил

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислохотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг талқини. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва кўникмаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффақиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий

интерактив мулоқот мухити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг ахамияти (грамматика ва лексика-B1-B2 оралиғида). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўрганувчиларни роли. Тил ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурслар Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишнинг ахамияти. Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари хақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот мавзулари: кундалик хаётга оид (шахсий маълумот, оила хақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий хаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда сохага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш технологиялари.

Тизимли таҳлил тушунчаси. Тизим ва тизимлар назарияси. Тизимли методология ва тизимли ёндашув. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимли таҳлилнинг мақсади ва вазифалари. Тизимли таҳлилдан педагогик фаолиятда фойдаланиш техникаси. Педагогик тизим ва унинг тузулиши. Педагогик вазиятларнинг тизимли таҳлилни амалга ошириш. Тизимли таҳлилни амалга оширишнинг асосий босқичлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш моделлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш методлари. Тизимли таҳлил натижаларини манба шаклига келтириш технологияси.

Қарор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул қилиш усуллари. Қарорларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар. Қарор вариантларини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараёни бошқаришда қарорлар (тезкор, тактик ва б.).

Қарор натижаларини баҳолашнинг экспертли ва прогностик методлари. Қарорлар самардорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми.

5.2. Дирижёрликда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари

Дирижёрлик санъати – жамoани бошқариш сифатида. Дирижёрлик фаолиятининг кўп қирралилиги. У муҳандис, бошқарувчи-раҳбар, текширувчи, уста, таҳлилчи ва педагог. Дирижёрлик фаолиятининг коммуникатив томонлари.

VII. Педагогик амалиёт

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий тахлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профилъ кафедраларида ташкил этилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустакил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, таркатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустакил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустакил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (лойиҳа иши) ни тайёрлайди.

Битирув иши (лойиҳа иши) талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдиротини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдироти қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:
Кейслар банки;

Мавзулар бўйича тақдиротлар;

Бошқа материаллар (фanni ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва тахлил этиш;

- соҳа тараккиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;

- мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илгор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустакил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон портфолио” тизмига киритиб бориши лозим.

Дирижёрлик санъатининг психологик жиҳатлари. Дирижёр аппарати бошқарув объекти сифатида. Қарор қабул қилишда таъсир ўтказишнинг турли кўринишлари ва улардан фойдаланиш. Физиологик таъсир, эмоционал таъсир, интеллектуал таъсир ва ўтказиш турлари. Дирижёрлик фаолиятида қарор қабул қилиш тизимининг роли ва моҳияти. Моделлаштириш, ташкиллаштириш ва ижрони назорат қилишда қарор қабул қилишнинг асослари, услуб ва услубиятидан фойдаланиш.

Дирижёрнинг ижрочилар билан мулоқоти. Дирижёрлик аппаратининг эркин фаолиятида тизимли тахлилнинг услубларини қўллаш. Дирижёрнинг педагог сифатидаги вазифаси – профессионал дирижёр тайёрлашда тизимли ёндашув. Дирижёрликда тизимли тахлил усулларини қўллаш орқали турли вазиятларни ҳал қилиш.

VI. Махсус фанлар

6.1. Арт менежмент.

Менежмент тушунчаси, турлари ва унинг бугунги кундаги аҳамияти. Арт менежмент назарияси ва технологияси. Санъат соҳасини мувоқилаштиришда менежментнинг ўрни. Санъат соҳасида раҳбар типи. Бошқарузда реклама. Санъат соҳасида менежмент технологияларини қўллашнинг аҳамияти. Ҳозирги кунда санъат бошқаруви.

Маданий соҳада арт менежментнинг ривожланиши, ижтимоий-маданий соҳа тушунчаси. Маданий хизматни ташкил этиш. Арт менежментнинг профессионал функциялари ва мажбуриятлари. Санъатнинг замонавий ҳолати ва унинг арт менежмент фаолиятига таъсири.

6.2. Жамоалар билан ишлашда амалий кўникмаларни шакллантириш.

Дирижёрлик синфида ўқув-тарбиявий жараённинг асосий психологик, педагогик, ташкилий ва услубий жиҳатлари. Дирижёрликни ўқитиш қонуниятлари ва оптималлаштириш усуллари. Санъат ва маданият соҳасидаги ёшларни фаол изланиш, ижодини юксалтириш ва касбий фаолиятга тайёрлаш масалалари.

6.3. Дирижёрлик санъатининг замонавий тенденциялари.

Дирижёрлик – мусикий ижрочилик санъатининг ўзига хос кўриниши сифатида. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида дирижёрликнинг педагогик ва ижрочилик тажрибаси. Дирижёр фаолиятининг кўп қирралиги. Дирижёрлик – мусикий жамоа билан ўзаро таъсирини ўтказиш тизими сифатида; дирижёрлик касбий тузилишида мулоқот ва алоқа жараёнларининг боғлиқлиги. Шарҳловчи дирижёр – дирижёрлик санъатида янги давр ижодкори сифатида.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модуллари ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва коғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. И.А.Каримов. Озол ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадиимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун хар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. И.А.Каримов. Юсак маънавият-енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. – Т.: 2008. – 176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”. 2011. – 440 б.
5. И.А.Каримов. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим - тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизimini тубдан ислох қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ги 1997 йил 6 октябрдаги №1869-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январдаги 5-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзлуксиз таълим тизimini дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январдаги 4-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги 343 - сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртлари талабаларига стипендиялар тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида”ги 2001 йил 17 августдаги 344 - сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги “Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 100-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизimini янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқлаш хусусидаги 2010 йил 18 июндаги 118-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2010 йил 28 июлдаги 4232-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2011 йил 20 майдаги 1533-сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизimini янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2012 йил 24 июлдаги 4456-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касба ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низомни 2012 йил 18 октябрдаги 297-сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш аттестациядан ўтказиш тизimini такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги “Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизimini жорий этиш тўғрисида”ги 371-сон Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги “Магистратура тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 36-сонли Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4732-сон Фармони.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тadbирлари тўғрисида”ги 242-сонли Қарори.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон Қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари. – Т.: 2000. – 218 б.
3. Исмаилов А.А., Жалалов Ж.Ж., Саттаров Т.К., Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа. Basic User/Breakthrough Level A1/-Т.: 2011. – 182 б.
4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
5. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
6. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулоқоти. – Т.: “Академия”, 2003. – 70 б.
7. Махмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. – 230 б.
8. Махмудов И.И. Бошқарув профессионализи: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.
9. Martina Freytag. “Chorleitung- effizient und lebensnah”. Gustav Boss Verlag, Kassel, Германия, 2011
10. Sibsan. “The modern conductor”. Pearson Prentice Hall. Англия, 2004.
11. Raymond Bisdorff, LuisC. Dias, Patrick Meyer, Vincent Mousseau Marc, Pirlot. Evaluation and Decision Models with Multiple Criteria. Springer-Verlag Berlin Heidelberg. Берлин, Германия, 2015
12. Benjamin Grosbayne. “Techniques of modern Orchestral Conducting”. Harvard University Press. USA, 2011
13. Michael Betzner-Brandt. Chor kreativ. BossVerlag. Германия, 2015
14. James L. McHard. “The Future of modern Music”. Sad Edition. Англия, 2005
15. Martina Freytag. Chorleitung- effizient und lebensnah.- Gustav Boss Verlag.-Kassel, German 2011
16. Sibsan. “The modern conductor”.- Pearson Prentice Hall. - England, 2004
17. Raymond Bisdorff, LuisC. Dias, Patrick Meyer, Vincent Mousseau, Marc, Pirlot. Evaluation and Decision Models with Multiple Criteria.- Springer-Verlag Berlin Heidelberg. - Germany, 2015

18. Benjamin Grosbayne. Chor kreativ. “Techniques of modern Orchestral Conducting”.- Harvard University Press.- USA, 2011

19. Michael Betzner-Brandt. Chor kreativ.- BossVerlag.- Germany, 2015

20. Deborah A. Rockman. The Art of Teaching Art: A Guide for Teaching and Learning the Foundations of Drawing-Based Art.- Oxford University Press.- England 2000

IV. Электрон таълим ресурслари

1. www.ziyounet.uz
2. www.edu.uz
3. www.infocom.uz
4. www.learnenglishkids.britishcouncil.org/en/
5. www.learnenglishteens.britishcouncil.org/
6. www.learnenglish.britishcouncil.org/en/
7. www.gov.uz
8. www.lugat.uz
9. www.art-academy.uz
10. www.midi.uz
11. www.muzevart.uz
12. www.bimm.uz
13. www.dsmi.uz
14. www.dsmimarkaz.uz

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бойг'ўлимий-методик маркази



Директор _____ У.Ш.Бегимкулов

201 ____ й.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти хузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Тармоқ маркази



Директор _____ О.А.Хасанов

“ ____ ” _____ 201 ____ й.

м.ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Таълим муассасалари бошқармаси бошлиғи _____ А.Нуруллаев



“ ____ ” _____ 201 ____ й.

м.ў.